

**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ СУВ РЕСУРСЛАРИДАН
Фойдаланиши соҳасида давлат бошқаруви органлари
тизими ва ваколатлари**

Зоир Шониёзович ШОФИЕВ

мустақил изланувчи
Тошкент давлат юридик университети
Тошкент, Ўзбекистон
[zoir shofiev.72@mail.ru](mailto:zoir_shofiev.72@mail.ru)

Аннотация

Мақолада фермер хўжалиқларининг сув ресурсларидан фойдаланиши соҳасида давлат бошқаруви органлари тизими ва ваколатлари ҳақида фикр юритилади.

Таянч сўзлар: фермер хўжалиғи, сув ресурслари, деҳқон хўжалиғи, сув истеъмолчилари, табиат объектлари, сувдан фойдаланувчилар, сув лимити, экология, табиий ресурслар.

**СИСТЕМА И ПОЛНОМОЧИЯ ГОСУДАРСТВЕННЫХ ОРГАНОВ
УПРАВЛЕНИЯ В СФЕРЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ВОДНЫХ РЕСУРСОВ
ФЕРМЕРСКИХ ХОЗЯЙСТВ**

Зоир Шониёзович ШОФИЕВ

независимый исследователь
Ташкентский государственный
юридический университет
Ташкент, Узбекистан
[zoir shofiev.72@mail.ru](mailto:zoir_shofiev.72@mail.ru)

Аннотация

В статье речь идет о системе и полномочиях органов государственного управления в сфере использования водных ресурсов фермерских хозяйств.

Ключевые слова: фермер, водные ресурсы, деҳқон хўжалиқлари, водопотребители, природные ресурсы, водопользователи, лимит воды, экология, природные ресурсы.

Сув ресурслари тақчиллиғи Марказий Осиё минтақаси, хусусан, сувга талаб жуда юқори бўлган Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг барқарор ривожланишини таъминлаш ҳамда тобора ўсиб бораётган ижтимоий-иқтисодий ҳамда экологик эҳтиёжларни қондиришда ўта долзарб ва ўткир муаммо ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг ижтимоий муҳофазаси ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш бўйича ишончли кафолат ҳамда чораларнинг амалга оширилишини таъминлаш ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг

барча босқичида давлат аграр ва экологик сиёсатининг энг асосий устувор йўналишларидан ҳисобланади [2].

Ҳукуматнинг қишлоқ хўжалигига доир сиёсати институционал туб ўзгаришларни келгусида ҳам амалга ошириш, сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини ривожлантириш, фермер хўжаликларининг ҳуқуқ ва иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш орқали иқтисодий ислохотларни эркинлаштириш ҳамда чуқурлаштиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 30 октябрь ПФ–5863-сон Фармониغا кўра, Ўзбекистоннинг сув ресурслари қайта тикланадиган ер усти ва ер ости сувлари, шунингдек, антропоген фойдаланишдан қайтадиган сувлар (дренаж ва оқава сувлар)дан иборат. Ўртача кўп йиллик жами оқар сув ҳажми 114,4 км³ни ташкил этадиган Амударё ва Сирдарё трансчегаравий дарёлар Ўзбекистонда ер усти сув оқимини шакллантирадиган асосий манбалар ҳисобланади [1].

Мамлакатдаги мавжуд сувларнинг асосий қисми, яъни 92 фоизи қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришга ва умуман, суғоришга ишлатилади, 8 фоизи бошқа мақсадларга, жумладан коммунал хўжалиги (4 фоиз), саноат (1,5 фоиз), энергетикага (қайтмайдигани 0,2 фоиз) ва бошқаларга (2,3 фоиз) ишлатилади. Республикамизда ўртача бир йилда 51 млрд 363 млн. м³ сув ишлатилади. Бу кўрсаткич сув кўп йиллари – 57 млрд 976 млн. м³ни, сув кам йиллари эса – 44 млрд 12 млн. м³ни ташкил қилади [8].

Фермер хўжалиги фаолиятида ирригация тизимларини ҳавзали бошқариш, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари, шунингдек бу борадаги барча ишларни мувофиқлаштирадиган ҳамда давлат органларининг ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлайдиган Сув хўжалиги вазирлигини ташкил этиш орқали мамлакат ҳудудида сув хўжалигини бошқаришнинг икки

даражали тизимини яратиш ислохотларнинг муҳим таркибий қисмига айланди [5, 6].

Сув ресурслари бўйича давлат бошқарув органларининг ваколатлари деганда, одатда ушбу органларнинг шу соҳадаги давлат ҳокимиятини амалга оширишга қаратилган маъмурий-бошқарув фаолияти тушунилади. Сув ресурслари соҳасида давлат бошқаруви турли органлар томонидан амалга оширилиб, уларни икки гуруҳга ажратиш мумкин – умумий ва махсус ваколатли давлат органлари.

Умумий ваколатли давлат органларида сувдан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш билан боғлиқ ваколатлар улар фаолиятининг маълум бир қисмини ташкил этади, яъни бошқа кўплаб ваколатлар билан бир қаторда ушбу соҳада ҳам қонунчиликда белгиланган фаолиятни амалга оширадilar. Хусусан, умумий ваколатли давлат органларига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Президент, Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти (ҳокимликлар) киради.

Сув муносабатлари соҳасида давлат бошқарувини амалга оширишда қонун чиқарувчи ҳокимият органи, яъни *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси* алоҳида ўринни эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сув муносабатларини тартибга солишга оид ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати тўғрисидаги конституциявий қонунлар, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунида Олий Мажлис палаталарининг бу борадаги ваколатларини белгиловчи ҳуқуқий қоидалар ўз ўрнини топмаган. Ваҳоланки, Олий Мажлиснинг сувни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш, давлат дастурларини тасдиқлаш, шу соҳадаги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул

қилишдаги ваколатлари алоҳида аҳамиятга эга. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунида Олий Мажлис палаталарининг сувдан фойдаланиш ва муҳофаза этиш соҳасидаги ваколатларини белгилаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан сувдан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди, шу соҳада кўплаб халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди. Бу қонунлар сувдан фойдаланувчи субъектларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш муносабатларини тартибга солишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сув муносабатларини тартибга солиш функцияси қонунларнинг бажарилишини назорат қилиш (парламент назорати) орқали ҳам намоён бўлади. Сувга доир қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, маҳаллий ҳокимликлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан қандай ижро этилаётганлиги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг масъул кўмиталари томонидан доимий равишда назорат қилиб борилади.

Шу ўринда сўнгги йилларда парламентнинг назорат таҳлил фаолияти кучайиб бораётганлигини ҳамда бошқа тарафдан сув ресурсларидан қишлоқ хўжалигида оқилона фойдаланиш аграр сиёсатнинг устувор йўналишларидан бирига айланиб бораётганлигини инобатга олиб, Олий Мажлис Сенатида Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирининг сув хўжалигини модернизация қилиш ва ривожлантириш, сув ресурсларини бошқариш, сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш борасидаги ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотини йилига икки марта эшитиш тартибини белгилаш мақсадга мувофиқ. Шу мақсадда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 32¹-моддасига тегишли тузатиш киритиш лозим.

Юқорида айтилганлардан хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётида амалга оширилаётган ислохотларнинг

самарали ва изчил бўлишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлашда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг фаолияти муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу фаолият хусусан сув муаммоларини муваффақиятли ҳал этиш ва экологик хавфсизликни таъминлашга хизмат қилади.

Сув муносабатларини тартибга солиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатларини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг сув муносабатларини давлат томонидан тартибга солиш бўйича ваколатлари тўғрисидаги масала ёритилган. Унда Президентнинг ички сиёсатнинг асосий йўналишларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мос равишда белгилаши давлат бошқарувининг умумий раҳбарлик функциясига асосланган ҳолда, давлат сиёсатини, шу жумладан қишлоқ хўжалиги соҳасида сув сиёсатини амалга оширишни назарда тутди [7].

Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларнинг жуда кенг доираси бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари билан тартибга солинади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 17 июнь ПФ–5742-сон Фармони ҳам бунга яққол мисол бўла олади.

Сув соҳасидаги давлат бошқарувини амалга оширувчи ижро этувчи давлат ҳокимияти органлари тизимида Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси алоҳида ўрин тутди.

Вазирлар Маҳкамасининг сув муносабатлари соҳасида давлат бошқарувига оид ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, 2019 йил 10 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган ”Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги ҳамда

”Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг тегишли моддаларида белгиланган.

Хусусан, ”Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддасига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси қишлоқ хўжалигини бошқариш тизимини такомиллаштириш, аграр секторни модернизация қилиш ҳамда жадал ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ресурсларни тежовчи ва интенсив замонавий агротехнологияларни жорий этиш, ер ресурслари сифатини сақлаш ва яхшилаш ҳамда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чораларини кўради.

Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди, табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳамда табиатдан фойдаланишни тартибга солиш бўйича фаолиятни ташкил этади (14-модда).

Бу борада А.М.Абдусаттаров таъкидлаганидек, Вазирлар Маҳкамаси экология соҳасидаги конституциявий ваколатларини амалга ошириб, ушбу соҳада бир қатор қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиққан. Хусусан, сув соҳасида – 1998 йил 7 январда – ”Ўзбекистон Республикасининг Давлат сув кадастрини ишлаб чиқиш ва юритиш тартиби тўғрисида”, 1992 йил 7 апрель – ”Ўзбекистон Республикасидаги сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари, дарёлар, магистрал каналлар ва коллекторларнинг, шунингдек ичимлик суви ва маиший сув таъминотининг, даволаш ва маданий соғломлаштиришда ишлатиладиган сув манбаларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари ҳақида”ги, 2013 йил 19 март – ”Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисида”ги, 2014 йил 4 август – ”Сувга қудуқларни бурғулаш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисида”ги, 2013 йил 14 июнь – ”Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисида”ги низомлар; 2014 йил 25 февралда – ”Республика

аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги қарори” шулар жумласидан [3].

”Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши лозим бўлган бир қатор қонунчилик ҳужжатлари назарда тутилган. Хусусан, сув объектларини танҳо фойдаланиш учун бериш, сувдан умумий фойдаланиш, дам олиш ва спорт учун сув объектларидан фойдаланиш, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар сувларидан фойдаланиш, сув объектларидан балиқчилик ва овчилик хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш тартиби, сув йўлларини кема қатнайдиغان сув йўллари қаторига киритиш, шунингдек сув йўлларидан фойдаланиш қоидаларини белгилаб бериш, сув объектларидан оқава сувларни оқизиш, ёнғинга қарши эҳтиёжлар учун, шунингдек давлат ва жамоатнинг бошқа эҳтиёжлари учун фойдаланиш, сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақалари ва санитария муҳофазаси зоналарини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби, сув объектларидан кичик кемаларда сузиб юриш учун фойдаланишга бериш қоидалари, сув омборларидан фойдаланиш қоидалари ҳозирги кунда қадар белгиланмаган. Шу муносабат билан, келгусида юқоридаги масалаларни тартибга солувчи қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда Ҳукумат қарори билан тасдиқлаш мақсадга мувофиқ.

Сув соҳасида давлат бошқарувини амалга оширувчи маҳаллий давлат ҳокимият органларининг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида (100-модда), Ўзбекистон Республикасининг ”Маҳаллий давлат ҳокимият органлари тўғрисида”ги 1993 йил 3 сентябрь қонунида (10, 24, 25-моддалари) ва ”Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуннинг тегишли моддаларида белгиланган.

”Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг конституциявий ваколатлари доирасига атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг киритилиши муҳим ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий аҳамиятга эга ҳамда мазкур органлар зиммасига юксак масъулият юклайди” [4].

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ҳудудларида сув соҳасидаги давлат бошқарувининг қуйидаги ваколатларини амалга оширадилар: минтақада (ҳудудда) табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг ҳудудий дастурларини тасдиқлайдилар; атроф табиий муҳитга зарар етказаётган объектлар фаолиятини вақтинча ёки бутунлай тўхтатиш ва қайта ихтисослаштириш тўғрисида қарорлар қабул қиладилар; фойдаланишни ташкил қилиш мақсадида табиий ресурсларни тақсимлайдилар; атроф табиий муҳит мониторинги, табиий ресурсларнинг давлат кадастрлари юритилишини ташкил этадилар; табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширадилар.

Сув муносабатларини давлат томонидан бошқариш – махсус ваколатли давлат органи Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 февралдаги ПФ–5530-сон Фармони билан Сув хўжалиги вазирлиги ташкил этилди ва унинг тизимли ташкилотлари тасдиқланди. Сув хўжалиги вазирлиги махсус ваколатли давлат органлари тизимида марказий ўринни эгаллайди ҳамда сув хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагиларни ўз ичига олади: сув хўжалигини ривожлантиришга қаратилган комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; деҳқон, фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти учун зарур шарт-шароит яратиш; юқори сифатли технология ва бошқа инвестиция воситаларини сув хўжалигига жалб қилиш жараёнларига умумий раҳбарлик қилиш ва бошқ.

Сувдан фойдаланиш соҳасида бошқарувни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг Сув хўжалиги бош бошқармаси алоҳида ўринни эгаллайди.

Бош бошқарманинг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: сувдан фойдаланишнинг бозор принципларини ва механизмларини жорий этиш асосида сув ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини ташкил этиш; сув хўжалигида ягона техника сиёсатини ўтказиш, сувни тежовчи илғор технологияларни жорий этиш; истеъмолчиларни сув билан узлуксиз ва ўз вақтида таъминлашни ташкил этиш; ирригация тизимлари ва сув хўжалиги иншоотларининг техник ишончилигини таъминлаш; ирригация тизимлари ҳавзалари бўйича сув ресурсларини оқилona бошқариш ҳамда унинг тезкорлигини ошириш; сув ресурсларидан фойдаланишнинг аниқ ҳисоби ва ҳисоботини таъминлаш; сув хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, мулкчиликнинг турли шакллари ривожлантириш ишларини мувофиқлаштириш ва улар амалга оширилишининг мониторингини олиб бориш ва бошқ.

Маҳаллий ҳудудларда сув ресурсларидан фойдаланишни бошқаришда сув хўжалиги бошқармалари муҳим ўрин тутди. Бошқарма вилоятда аграр сиёсат ўтказилиши учун масъул ҳисобланади ҳамда унинг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: минтақада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг муҳим турларини барқарор етиштиришни таъминловчи деҳқончилик, агротехнологиялар ва сувдан фойдаланишнинг илғор тизимларини жорий этишга қаратилган аграр сиёсатни амалга ошириш; ғўза ва дон экинларини навлар бўйича жойлаштириш юзасидан тавсияларга хўжаликлар томонидан риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш.

Сув хўжалигида сувдан фойдаланиш устидан давлат бошқарувини амалга оширишда туман сув хўжалиги бўлими муҳим рол ўйнайди. Бўлим туманда аграр сиёсат ўтказилиши учун масъул бўлиб, қуйидаги вазифаларни амалга оширади: селекция, уруғчилик ва агротехнологияларни яхшилаш ишларини ташкил этиш; қишлоқ хўжалиги экинларини ўстиришнинг янги агротехнологияларини жорий этиш; қишлоқда иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилишини ташкил этиш ва мониторингини юритиш; фермер хўжаликларининг кенг ривожланишига ҳар томонлама кўмаклашиш; ер ва

сув ресурсларидан мақсадли ва оқилона фойдаланилишини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш; туман сув хўжалиги сувдан фойдаланувчилари бўйича сувдан фойдаланиш лимитларини белгилашга доир таклифлар тайёрлаш, бозор принциплари ва механизмлари амалга оширилишига, шунингдек сувдан лимит бўйича фойдаланиш тартибига риоя қилинишига кўмаклашиш; лимитланган сувдан тежаб фойдаланилганлиги учун туман сувдан фойдаланувчилари рағбатлантирилишини ташкил этиш; сувдан фойдаланувчиларнинг сув ресурсларидан оқилона ва мақсадли фойдаланишини назорат қилишда қатнашиш; сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурларни таъминлаш, уларнинг ташкил этилишига ва самарали фаолият кўрсатишига кўмаклашиш; хўжалик ички гидромелиорация тизимларини, сувни ҳисобга олиш тизимларини таъмирлаш ва ривожлантириш ҳамда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шунингдек сувни тежовчи технологияларни жорий этиш ишларини мувофиқлаштириш.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва илмий таҳлиллар сув хўжалигида сувдан фойдаланишни давлат томонидан тартибга солишнинг илмий-ҳуқуқий моҳияти ва мазмуни тўғрисида керакли даражада тасаввурга эга бўлишга, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича мушоҳада юритишга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф – мухитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрь ПФ-5863-сон Фармони. WWW. Lex.uz

2. Абдуллаханов Р. Ўзбекистонда сув хўжалиги комплекси ва унинг муаммолари: монография. – Тошкент, ЎзМУ, 2002. – 144 б.

3. Абдусаттаров А.М. Ўзбекистон Республикаси Хукумати конституциявий ваколатларининг экологик-ҳуқуқий талқини // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. – 2017. – №2. – Б.21-27.

4. Абдусаттаров А.М. Жаҳон конституционализмида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг экология соҳасидаги ваколатлари: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил // Халқаро муносабатлар. – 2016. – №4. – Б.123-128.

5. Бараев Ф.А., Ғуломов С.Б., Ўринбаев С.Н. Сув ресурслари ва сувдан тежамли фойдаланиш: ўқув қўлланма. – Тошкент: ТИМИ, 2014. – 210 б.

6. Хушматов Н.С. Фермер хўжаликларида ер ва сувдан самарали фойдаланишни ташкил этиш. – Тошкент: Фан, 2007. – 154 б.

7. Холмўминов Ж.Т. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг экологик хавфсизликни таъминлаш, аграр ва энергетика соҳасини ривожлантиришга оид концептуал ғояларини ўрганиш: ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент: ТДЮУ, 2020. – 528 б.

8. www.staff.tiiame.uz. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти сайти.